

## POVERTY REDUCTION AND POPULATION GROWTH IN UZBEKISTAN

Arabov Nurali Uralovich,  
Professor of SamSU

Sultonov Sanjar,  
Master of SamSU

**Abstract.** The article examines the tasks and directions of improving the level and quality of life, reducing poverty in the regions of the country.

**Key words:** standard of living, quality of life, poverty, social register, iron book, infrastructure, employment.

Республикамиз ҳудудларида аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш, хусусан, камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жихатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Камбағаллик турлича ва ўзаро боғлиқ сабабларнинг натижаси ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади” деган фикри асосида кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш зарурати алоҳида таъкидланди.

Мурожаатномада республикамизда чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат вазифанинг муҳим йўналиши сифатида камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш назарда тутилган бўлиб, унга кўра камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмаслиги, бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-хунарга ўқитиш, ичимлик суви, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиш орқали кузланган мақсадга эришиш мумкинлиги келтирилган.

Ўтган йилнинг бошида мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистонда аҳолининг 12-15 фоизини камбағал аҳоли қатлами ташкил этиб, уларнинг умумий сони 4,5-5 миллион атрофида қолаётгани таъкидланганди.

Юртимизда кам таъминланган аҳоли сифатида жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий нафақа пуллари тайинланган кишиларгина тан олинган бўлиб, уларнинг умумий сони юқорида қайд этилганидек миллионлар билан ўлчанмас, деярли 10 баробар кам эди.

Пандемия муносабати билан мамлакатимизда карантин чоралари кучайтирилган, эҳтиёжманд оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш зарурати ошган вақтда Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «темир дафтар»лар иш берди, давлат ёрдамини йўналтириб туриш, ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш учун асос бўлди, катта натижа берди. Ҳозирда «темир дафтар»лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда.

Мурожаатномада 2021 йилдан тўлиқ ишга тушадиган “Ижтимоий реестр”да “темир дафтар”даги барча маълумотар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилиши назарда тутилган бўлиб, биринчи навбатда камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш лозимлиги, бу масалада халқаро экспертлар билан чуқур таҳлил асосидаги ҳисоб-китоблар якунига етказилаётганлиги ҳамда 1 мартдан бошлаб аҳолининг минимал истеъмол харажатлари миқдори эълон қилиниши келтирилган. Шунга кўра, республикаимиз ҳукумати томонидан икки ой муддатда ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтириб, уларни минимал меъёрлар даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб олинди.

Камбағалликни қисқартириш тадбирларини олиб боришда асосий эътибор уни буткул бартараф этишга қаратилмоғи лозим. Яъни, машҳур афоризмда айтилганидек, “камбағалга балиқ эмас, қармоқ бериб, балиқ тутишни ўргатиш” ҳозирги даврда аксар мамлакатларни камбағалликни қисқартиришдаги бирламчи вазифаси бўлиб қолади. Умуман олганда камбағалликни қисқартиришнинг интенсив усуллари (касбга ўқитиш, тадбиркорликка ўргатиш, иш билан банд қилиш ва ҳок) бориш экстенсив усулларга (бевосита моддий ёки номоддий ёрдам кўрсатиш, доимий таъминот ва ҳок) нисбатан яхши самара беришини аксар мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибди. Камбағалларга ёрдам дастурлари уларни доимий таъминлаб туриш эмас, балки

“ижтимоий лифт” вазифасини ўташи, уларни “олувчи” эмас, “берувчи” аҳоли даражасига ўтказиш энг муҳим масалалардандир. Шунга кўра, республикамизда камбағалликни қисқартиришга бевосита ва билвосита таъсир этувчи омиллар таъсир кўрсатади. Булар омиллар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторни ривожлантириш, инсон капиталини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган сиёсат самарадорлигини ошириш, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф мувофиқлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудларнинг инвестицион жозибadorлиги ва самарадорлигини ошириш, ҳудудларни барқарор ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш каби устувор йўналишлардан иборатдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли даромадларини кўпайтириш, таълим ва соғлиқни сақлашнинг сифатини ошириш, уй-жой билан таъминлаш тадбирлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Улардан самарали фойдаланиш учун аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ масалаларни назарий ва услубий жиҳатдан чуқур ўрганиш, илмий асосланган таклифларни бериш зарур. Бунда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, камбағалликнинг олдини олиш, аҳолини энг кам даромад билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда республикамизда қишлоқ аҳолисининг улуши 50 фоизга яқин бўлиб, шаҳар ҳудудлар яшовчилар ҳам қишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият олиб бориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, ҳар йили вилоятларда ғалладан бўшайдиган ерларни фермерлар билан ўзаро келишган ҳолда, деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган камбағал оилалар аъзоларига бўлиб бериш, бунда камбағал аҳолининг хоҳиш-истагига кўра, 20-30 сотихдан ер ажратиш, уларга агротехник, ирригацион ҳамда бошқа кўринишдаги ёрдам бериш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш чораларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришда чора-тадбирлари сифатида аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг интенсив усулларида фойдаланиш амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишда муҳим ҳисобланади. Бунда мамлакат ва унинг ҳудудларини иқтисодий ривожлантириш, самарали инвестиция сиёсати амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини янада ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш мумкин.



### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>
2. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У. ва бошқ. Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари (монография). - Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017, -130 бет